# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси

(Боши 1-бетда)

Ушбу масалалар бўйича «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори Ў.Ҳолмуҳамедов, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Улашов, «Ўзбекэнерго» компанияси раиси Э.Шоисматов, «Ўзтрансгаз» компанияси бош директори И.Вагапов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев ва Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Р.Жалилов ҳисоботлари тингланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига муқобил ёқилғи манбалари билан узлуксиз таъминлашга, энергия ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйишга, ушбу вазирликларга қарашли объектларда совуққонлик билан муносабатда бўлиш ҳолларига йўл қўймасликка алоҳида эътиборни қаратиш топширилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала - иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш минтақавий дастурларининг бажарилиши ҳамда истиқболсиз хўжалик юритувчи субъектларни тугатишни жадаллаштириш тўғрисида Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Г.Саидова сўзга чиқди. Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда илгари хусусийлаштирилган 4768 корхонанинг фаолияти таҳлил қилинди. Аниқланишича, улардан 732 корхона (15,4 фоиз) доимий равишда молиявий нобарқарор кўрсаткичларга эга. Навоий (илгари хусусийлаштирилган корхоналарнинг 31 фоизи), Сирдарё (25 фоизи), Жиззах ва Хоразм (24 фоиздан), Самарқанд (22 фоизи), Андижон (21 фоизи) вилоятларида молиявий нобарқарор корхоналар салмоғи энг юқори. Тармоқ бўйича бундай корхоналарнинг энг кўпи «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (52 та - 42 фоиз), «Ўзбек ипаги» уюшмаси (40 та - 21 фоиз), «Ўзпахтасаноат» уюшмаси (17 фоиз), «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси (15 фоиз) тизимидадир.

Таҳлил якунларига кўра 226 та (31 фоиз) истиқболсиз корхона бўйича банкротлик ишларини бошлашга қарор қилинди. Амалиёт шуни кўрсатадики, тугатиш тартиботлари иқтисодиётни соғломлаштиришнинг самарали воситаси ҳисобланади. Кейинги икки йил мобайнида тугатилган 75 банкрот корхона негизида 103 та янги ишлаб чиқаришлар ташкил этилди. Уларда ҳозирдаёқ 1,7 миллиард сўм ўзлаштирилган ва 2005-2006 йилларда жами 108 миллиард сўм маблағни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Банкрот корхоналарни тугатиш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида кўриб чиқишни, суд ҳужжатлари қабул қилиш ва уларни ижро этишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси А.Ишметов сўзга чиқди.

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари П.Тангриев ва Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари М.Эркаев зарар кўриб ишлаётган ҳамда иқтисодий ночор истиқболсиз корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш минтақавий дастурининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этишди. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (Баҳромов), «Ўзбек ипаги» (Рўзиқулов), «Ўзэлтехсаноат» (Умаров), «Ёғмойтамакисаноат» (Худоёров) уюшмалари раҳбарларига иқтисодий ночор корхоналар сонининг ўсиши давом этаётганлиги ва уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда шунингдек 2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳам кўриб чиқилди. Республика ва маҳаллий бошқарув органлари мансабдор шахсларининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштриш бўйича тасдиқланган чора-тадбирларнинг бажарилиши, объектлар ва давлат активларини инвестиция мажбуриятлари эвазига текин бериш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида Давлат мулки қўмитасининг раиси М.Асқаров сўзга чиқди. Ҳудудий танлов комиссиялари қарорларига кўра инвестиция мажбуриятлари эвазига текин беришга қўйилган 104 корхона ва объектдан 99 таси 12,6 миллиард сўм миқдорида инвестициялар қўйиш шарти билан берилган.

2005-2006 йилларда хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 627 давлат корхонаси, объектлар, акциялар пакетлари ва улушлар сотилган, бу йил прогнозига нисбатан 68 фоизни ташкил этди. 9 ой мобайнида 729 давлат корхонаси мулкчилик шаклини ўзгартирди, 659 корхона ва объектлар хусусий мулкдорлар томонидан сотиб олинди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағ 56,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

2003-2005 йиллар мобайнида инвестиция мажбуриятлари эвазига текин берилган 309 объектдан 64 тасида (берилганларнинг 20 фоизи) инвестиция қўйилмалари мажбуриятлардагидан кам. Шу сабабли 25 та (8 фоиз) объект бўйича ҳозирдаёқ олди-сотди шартномалари бекор қилинган ва улар такрорий савдога қўйилган.

Шу билан бирга, объектларни хусусийлаштиришнинг тасдиқланган дастурлари бўйича топшириқлар «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзбексавдо» компанияларида, «Ўзбеккино» миллий агентлигида, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасида бажарилмаган.

Ушбу масалалар бўйича музокараларда «Ўзбекенгилсаноат» компанияси раиси А.Баҳромов, Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Болтабоев, Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари З.Мирзаев сўзга чиқдилар. Масалаларни муҳокама қилиш натижаларига кўра раҳбарларнинг эътибори Хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши, шунингдек хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан ишларнинг етарли эмаслигига, келгусида давлат активларини сотиш топшириқларини таъминлашга қаратиш ҳамда уларнинг зиммасига Дастур параметрларининг бажарилишини таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш юкланди.

Мажлисда аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида шахсий ёрдамчи хўжаликларда, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар боқиш ва уларнинг бош сонини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала кун тартибига шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан киритилган.

Ривожланишга тўсқинлик қилаётган муаммолар, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларини янада рағбатлантиришга доир таклифлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Голишев ҳамда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С.Қобилов сўзга чиқдилар.

Деҳқонлар ва уларнинг оила аъзолари чорва моллари боқиб, бутун мамлакат аҳолиси фойдаланадиган чорвачилик маҳсулотлари етиштириш орқали ўз фаолиятидан даромад олар экан, уларни иш билан таъминланган деб ҳисоблаши учун тўлиқ асосга эгадир. Қолаверса, иш билан таъминлашнинг ушбу омили катта сармоя талаб қилмайди. Иқтисодий жараёнларга тўлақонли жалб этиш учун бундай субъектлар фаолият кўрсатишининг юридик жиҳатларини ҳал қилиш - чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш юзасидан шартномалар тузилишини таъминлаш зарур. Хизмат кўрсатувчи инфратузилмани шакллантириш вазифаси ҳам муҳимдир. Тегишли вазирликлар ва идораларга амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек аҳолининг бандлигини ҳисобга олиш методикасига зарур ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш топширилди.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси М.Худоёров, «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси раиси М.Холов, Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари Б.Тўраев, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Ш.Назаровнинг чиқишларида чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликларини шрот ва шелуха билан таъминлаш масалаларига, ушбу соҳада шартномавий интизомни мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди. Шунингдек, тармоқ тизимига кирувчи чорвачилик хўжаликлари самарадорлигининг пастлигига, маҳсулотлар таннархининг ўсиб бораётганига, ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар иштирокида кооперативлаштирилган тузилмаларни ташкил этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг муҳим омили сифатида чорвачилик билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги масъулиятига эътибор қаратилди.

Ушбу долзарб масалалар муҳокамаси якунида 2006-2010 йилларда республика шахсий ёрдамчи, фермер ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тузишга қарор қилинди.

Кун тартибидаги охирги масала - Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги қарорини бажариш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажоновнинг ахбороти тингланди.

Президент қарорида кўрсатилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2005 йилнинг август-сентябр ойлари мобайнида нақд пул тушуми олдинги ойларга нисбатан 25 фоиздан зиёд, шу жумладан савдодан тушум - 28 фоизга кўпайди. Жорий йилнинг январ-сентябр ойларида тижорат банкларида аҳоли омонатлари ҳажми 21,3 фоизга ошди.

«Ишонч телефонлари» ўрнатилган ва махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Улар тушаётган шикоятларни дарҳол қайд этиш ва умумлаштириш имконини бермоқда. Ушбу шикоятлар бўйича зудлик билан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Натижада шикоят ва аризалар сони кескин қисқарди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**



## Автол «синди»

***Етмиш беш йилча бурун Гулдировга трактор келди. Бу мўъжизада девнинг қуввати бўлиб танҳо ўзи қирқ жуфт ҳўкизнинг юмушини бажарармиш.***



Бироқ таърифи ана шунақанги обдон келтирилган "дев" бир-икки наъра тортдию, пайкал бошида қоққан қозиқдай қотди-қолди. Ўзини Муҳиддин Усмонов деб таништирган тракторчи йигит аввалига челак кўтариб аққабаққа юрди, кейин қоратол соясидаги ажриққа ёнбошлади.

Бу хусусида хабардор қилинган раис ҳаллослаганича етиб келди.

– Жониворга нима бўлди, а? – ташвиш билан сўради у.

– Оғир касал, – умидсиз қўл силтади Усмонов. Автоли синиб қолган.

Раиснинг диққати ошди, ранги ўчди, тили базўр айланди:

– Ёмон синганми?

– Жудаям ёмон синган.

– Тузатса бўлар, а? – раиснинг кўзлари умид билан жовдиради.

– Бўлади, фақат бир-икки пақир сариёғ зарур.

– Шугина холосми, ука? – қарсак урди юзига қизил югурган раис. – Бизда сигир сероб, сариёғ деганинг булоқ сувидай қайнаб ётибди, ахир...

Алқисса, икки челак сариёғни азбаройи "муолажа" ниятида олган Усмонов бир зумда ҳалиги "синиқ"ни тузатди ва кечга қадар аллақанча ҳўкизнинг ҳайдовини уддалаб қўйди. Кун ботар маҳал туманнинг каттаси келди ва раиснинг оғзидан бол тома кетди:

– Манави йигитингиз азамат экан, тракторни сариёғ билан даволади-я!

– Сариёғ билан? – анқайди амалдор.

– Нимасини айтасиз? Автол деган бир суяги синиб, реза-реза бўлиб кетган экан, шуни...

Раис миннатдорлигини якунлолмади, каттанинг қаҳқаҳаси унинг овозини босиб кетди.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**Чортоқ тумани.**

## "Сотка"нинг фойдаси

***Бир танишим айтиб қолди:***
***–Қўл телефонининг фойдаси кўп-да, узоғингни яқин қилади, ишинг тезгина битади. Аммо, бу дастёрнинг панд берадиган томонлари ҳам бор экан.***



Ўтган йили пахта мавсумида далага ҳашарга бордик. Қирқ нафар теримчига бошман. Бир куни эрталаб уйдан телефон бўлиб қолди. Маҳалламиздаги яқинларимиздан бири тўй қилаётган экан. Нима қилиш керак, бормаса бўлмаса, борсам далани ташлаб кетаман. Бу ёғи, маҳалла-кўй дегандай. Хуллас, тушга яқин ёрдамчимга "мени биров сўраса, шу ерда дегин, икки соат ичида ғизиллаб бориб келаман" дедим-да, машинамда йўлга тушдим. Уйга келиб беш-тўрт сўм тўёнага пул олдиму тўйхонага ўтдим. Ярим соатча ўтирдим, сўнг узримни айтиб, изимга қайтдим. Ярим йўлга етгач, "сотка" жиринглаб қолди. Пахта терими бўйича Гўзалкентга бириктирилган туман ҳокими муовини қўнғироқ қилаётган экан.

–Ҳорманг Турди ака, терим қандай бўлаяпти, -деди у.

–Терим суръати зўр. Мана, 2 тоннадан зиёд пахта териб тилежкага жойлаб турибмиз,- дедим далада экан дея ўйласин деб.

–Ҳозир қаердасиз?

–Даладаман-да, - дедим ҳаяжонимни сездирмасликка ҳаракат қилиб.

–Шу гапингиз рост бўлса, машинани тўхтатиб юборингчи!

Муовин қатъий буйруқ бериб алоқани узиб қўйди. Тезликни секинлатиб, ортга қарасам, у киши машинасида орқамда келаётган экан...

**Акрам ҲАЙДАРОВ,**
**Самарқанд вилояти.**

## Ҳаммабоп "калит"

***Ҳамкасбларимиздан бирининг юбилейи нишонланаётган эди. "Олтмишвой"ни табриклаб яхши сўзлар айтилди, чопон, дўппи кийдирилди, совғалар ҳадя қилишди.***



–Юбилярга нима совға олиш тўғрисида кўп ўйландик, - деди сўзга чиққанлардан бири. – Узоқ маслаҳатлашиб, ҳамма эшикларга кириш имкониятини берадиган "калит" тортиқ қилишни маъқул топдик.

Даврадагилар хушёр тортгандай унга ажабланиб қарашди.

–Бу "калит" ҳаммага керак бўлади... ҳамма вақт керак бўлади. Бунақа калитга эга бўлишга ҳаммамиз ҳар вақт интилиб келганмиз. Бу калит ўзида бўлишини хушламайдиган одам ҳали дунёга келгани йўқ. У қандай қулф билан беркитилганидан қатъий назар кўплаб эшиклар, дарвозалар ва темир сандиқларни очишга қодир. Мана ўша калит!

Нотиқнинг қўлида пул солинган конверт турар эди.

## "Бизга алоқаси йўқ..."

***Ғилдирак цехининг ишчилари орасида ичкиликни хуш кўрадиганлар кўпайиб кетибди.***



Корхона раҳбарлари муҳокама, суҳбатлар натижа беравермагач, цех ишчиларининг маошини икки баравар камайтиришибди. Лекин, ичкиликбозлик камаймабди. Ҳатто иш вақтида ҳам ширакайф бўлиб юришар эмиш. Шу орада бутун ҳудуд бўйичаароқнинг нархи оширилибди. Ҳеч нарса ўзгармабди. Ўша-ўша, тушда ҳам, оқшомда ҳам ширакайф ишчилар ғимирлаб юришаркан.

Охири бунинг сабабини билиш учун улардан биридан сўрашибди:

–Шунча ўзгаришлардан кейин ҳам нега ичкиликбозлик камаймаяпти?

–Қанақа ўзгариш?

–Маошнинг камайтирилгани, ароқнинг нархи ошгани...

–Ҳа, уларнинг бизга алоқаси йўқ. Чунки, биз илгари ҳам битта ғилдиракни иккита ароққа алмаштирганмиз, ҳозир ҳам...

**Ҳабиб СИДДИҚ,**
**Андижон вилояти.**

## ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

# Минтақада стратегик ҳамкорлик ва иқтисодий интеграция

(Боши 1-бетда)

Жумладан, икки мамлакат экспертлари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодиёт, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланишини ва унинг истиқболларини батафсил таҳлил қилдилар, кўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан томонларнинг позициялари умумийлиги ёки яқинлигини қайд этдилар.

«Политика» фондининг президенти В.Никонов Ўзбекистон ва Россия давлат раҳбарлари И.Каримов ва В.Путиннинг Санкт-Петербургдаги учрашуви доимий самарали стратегик мулоқот учун асос яратганини таъкидлади. Россия учун бундай ҳамкорлик давлат манфаатлари доирасига киради, чунки Марказий Осиё минтақаси ва умуман Осиёдаги барқарорлик кўп жиҳатдан айнан Ўзбекистон билан боғлиқдир. Россиялик таҳлилчининг фикрича, Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотининг ЕврАзЭСга (Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти) қўшилиши тўғрисида қабул қилинган қарор, Ўзбекистоннинг мазкур интеграция тузилмасига аъзо бўлиши ва унинг фаолиятида иштирок этиши Ўзбекистоннинг ҳам, ташкилотга аъзо бошқа давлатларнинг ҳам туб манфаатларига мос келади. Бу ЕврАзЭСга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришда муҳим омил бўлади.

Россиялик экспертнинг айтишича, октябр ойи бошида Санкт-Петербургда ўтган саммитда Президент Ислом Каримов илгари сурган иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ташаббуслар Россияда жуда юқори баҳоланмоқда. Марказий Осиёда сиёсий барқарорлик учун умумий жавобгарлик ҳисси кучаймоқда. Бунда иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, қўшимча ташқи инвестицияларнинг жалб этилиши, ривожланган бозор муҳитининг яратилиши катта рол ўйнайди. Бу эса иккала мамлакатга жаҳон бозорида ўз салоҳиятига мос янада муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Россиялик экспертларнинг фикрича, дунёда рўй бераётган воқеалар глобал ва минтақавий хавфсизликнинг бевосита боғлиқлигини кўрсатмоқда, Россиянинг хавфсизлигини таъминлаш қўшни минтақалардаги барқарорлик билан узвий боғлиқ. Шу боис, Марказий Осиёда, биринчи навбатда, ушбу минтақадаги етакчи давлат - Ўзбекистондаги вазиятга бундан кейин ҳам жиддий эътибор қаратиш Россия манфаатларига мос келади.

Мажлис давомида Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал хавфсизликнинг долзарб муаммолари, жумладан, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалаларидаги, май ойида Андижонда содир этилган фожиали воқеалар оқибатида юзага келган вазиятни ҳал қилишдаги позицияси юқори баҳоланди. Баъзи ташқи кучларнинг ушбу воқеалардаги бузғунчилик роли қайд этилди, улар бу воқеалардан энергия ва бошқа ресурсларга бой минтақада ўз геосиёсий манфаатларини илгари суриш мақсадида фойдаланди.

Учрашув қатнашчилари муҳокама қилинган масалалар юзасидан фикр алмашдилар, Ўзбекистон ва Россия ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан қатор таклифлар билдирдилар. Таъкидландики, икки мамлакат етакчи сиёсатшуносларининг бундай учрашувлари давлатлараро мулоқотни ривожлантиришга, даврнинг янги талабларини ҳисобга олган ҳолда, стратегик шерикликни кенгайтириш мақсадида бу мулоқотларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Конференция 22 октябргача давом этади.

**А.ИВАНОВА,**
**Ғ.САЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

***Бу йил юртимиз деҳқонлари учун жуда муваффақиятли кечди. Қилинган меҳнат, тўкилган пешона тер эвазига жорий йилда ғаллакору пахтакорларимизнинг юзи ёруғ бўлди.***

Эрта баҳорда яхши ниятлар билан қадалган уруғ юқори ҳосил гаровига айланди. Албатта, бунинг замирида машаққатли меҳнат ётганлиги барчамизга аён. Қолаверса, сўнгги йилларда ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигида олиб борган ислоҳотлари туфайли ушбу соҳа ходимларига кенг имкониятлар яратиб берилди. Зеро, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни ўтказмай туриб, уни юқори босқичга кўтариш мушкул. Шубҳасиз, бу соҳадаги ўзгаришларнинг асл моҳияти мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни тўларoқ қондириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали юртимизнинг иқтисодий қудрати ва халқимиз турмуш

# Мисқоли ҳам нобуд бўлмайди

тарзини янада яхшилашдир. Шу боис соҳадаги ўсиш ҳам, деҳқонларимизнинг ерга ва тасарруфидаги мулкига муносабати ҳам йилдан-йилга ижобий томонга ўзгариб, юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, прокуратура органлари томонидан уларга мунтазам эътибор қаратилиб, ҳуқуқлари тикланишига, улар орасида ноқонунийликка йўл қўймаслик юзасидан зарурий чоралар кўрилмоқда.

Мисол учун, бу йил ҳам прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан муайян ишларни амалга оширдилар.

Яъни, янги ташкил қилинган қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари томонидан тармоқда қонунчиликни мустаҳкамлаш орқали фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялашга қаратилган зарур чора-тадбирлар давомийлиги таъминланиб келинмоқда.

Бош прокуратура томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида прокурор назоратини ташкил этишга доир кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, Президент фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари ижроси устидан прокурор назорати самарадорлиги оширилди. Бунда асосий эътибор мониторинглар ўтказиш йўли билан пахта ва ғалла экиладиган ерлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш, экин майдонларининг унумдорлиги пасайишига йўл қўймаслик, ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, мелиорация иншоотлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан хўжасизларча фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларига чек қўйиш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Прокуратура органларининг бевосита аралашуви билан чигит экилмаган 2616 гектар, майдоннинг контур четларида қолдирилган 228 гектар ва бошқа турдаги экинлар экилган 744 гектар ер майдонларига тўлиқ чигит экилиши таъминланган.

Бундан ташқари прокуратура ва бошқа тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда пахта хом ашёсининг ўғирланиши, талон-торож қилиниши, қонунга зид ҳолда хонадонларда сақланиши, четга олиб чиқиб кетилиши ҳамда пахта майдонларини пайҳон қилишга йўл қўймаслик юзасидан маълум ишлар қилинди.

Пахта йиғим мавсуми давомида ўтказилган назорат тадбирларида ҳуқуқбузарлардан олинган 11400 килограммдан зиёд пахта хом ашёсининг тайёрлов корхоналарига топширилиши таъминланган ва 36,9 миллион сўмлик зарарлар айбдорлардан ихтиёрий ундирилган. Шунингдек, 239 та ҳолатда 50 гектардаги пахта майдонлари пайҳон қилинганини аниқланиб, айбдор шахслардан 1 миллион сўм миқдорида жарималар ундирилган.

Ўтган йили республикамизда 3 миллион 536 минг тоннадан ортиқ давлат эҳтиёжи учун пахта хом ашёси тайёрланган эди, бу йил эса бу кўрсаткич 3 миллион 600 минг тоннага етди. Аҳамиятлиси, ҳосилнинг қарийб 95 фоизи 1-2 навларга топширилди.

Прокуратура органлари томонидан 2005 йилнинг 9 ойида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан жами ўтказилган 3790 дан ортиқ мониторинглар ва текширишлар натижасига кўра, 71970 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланган. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 753 та жиноят ишлари қўзғатилиб, прокурор тақдимномалари ва қарорлари асосида 26500 дан зиёд шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. Айбдорлардан 1,8 миллиард сўмлик зарар ундирилиб, судларга 24 миллиард сўмлик зарарни ундириш бўйича даъво аризалари киритилган. Прокуратура органлари томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчиликларга ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида назорат ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

### ҲУҚУҚ

2005 йилнинг 9 ойида бу йўналишда ўтказилган тадбирлар самарали бўлди, 7503 гектардан ортиқ майдонлардан ноқонуний фойдаланилганлиги аниқланиб, уларни хўжаликларга қайтариш чоралари таъминланди. Аммо кўрилаётган чораларга қарамай, шу давр мобайнида 35 нафар мансабдор шахслар томонидан юқори ҳосилдорликка эга бўлган, асосий қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган 2970 минг гектардан ортиқ майдонларни қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик асосида ажратиб бериш ва сотиш ҳоллари ҳам борлиги таассуфланарли.

Қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасида тузилаётган шартномаларнинг қонунларга мувофиқлиги, давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича контрактация шартномаларининг бажарилишига доир қонунлар ижроси устидан прокурор назорати ўрнатилган бўлиб, бунинг натижасида 2005 йил ҳосили учун давлатга дон топшириш юзасидан шартномавий мажбуриятларини 15 та туман бажармаганлиги, шунингдек, республика бўйича жами 5549 та, шундан 49 та ширкат, 5370 та фермер, 130 та бошқа ёрдамчи хўжаликлар шартномада белгиланган жами 65523 тонна донни давлатга топширмаганлиги юзасидан тегишли чоралар белгиланди.

Биламизки, айни пайтда фермерлар қишлоқ хўжалигининг асосий таянчига айланиб улгурди. Бинобарин, етиштирилган маҳсулотларнинг асосий қисми мана шу янги мулкдорлар ҳиссасига тўғри келади. Аграр соҳанинг эртаси бўлган фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни ташкил этишдаги қонунбузилишларнинг олдини олишда эътиборли бўлиш айни муддаодир.

Ўтган даврда 445 та паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари негизида яна 24 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи 1886 та инфратузилмалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 476-сонли ҳамда ўтган йилги "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 607-сонли қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижаларига кўра, 11400 дан ошиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 65 та жиноят ишлари қўзғатилган, прокурор тақдимномалари ва қарорлари асосида 1674 нафар шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, 8470 та шахслар қонунбузилишларга йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилган, 179,7 миллион сўмлик зарарлар айбдорлардан ихтиёрий ундирилган, судларга 202,1 миллион сўмлик зарарларни ундириш бўйича даъво аризалари юборилган.

Танлов ғолибларини аниқлашда холисликни таъминлаш, талабгорлар ўртасида очиқ ва ошкора танловларни ўтказиш, ер участкаларини ажратишда комиссиялар томонидан адолат мезонлари бузилиб, комиссия ва туманлар ҳокимларининг ноқонуний 523 та қарорларига протестлар келтирилган ҳамда қонунбузарликларни бартараф этиш ваколатига эга бўлган идораларга 462 та тақдимнома киритилган.

Бундан ташқари 2005 йилнинг ўтган даврида 529 та фермер ҳамда деҳқон хўжаликларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши ва банкларда ҳисоб-рақами очиб берилишига кўмаклашилди, уларга 136 миллион сўмдан ортиқ кредит пуллари, 4 миллиард сўмдан ошиқ дебитор қарзларининг ундирилишида, 2569 гектар ер майдонлари, 2480 тоннадан ошиқ минерал ўғитлар, 828 тонна нефт, 737 тонна чигит ва уруғлик буғдой, 154 тонна омухта ем маҳсулотларининг қонун асосида ажратилишида амалий ёрдам берилди.

Қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва техникалар билан таъминлаш, сақлаш, ишлатиш ҳамда уларнинг талон-торож қилиниши олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси бўйича ҳам назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Шу билан бирга 2005 йилнинг ўтган даврида прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларда қишлоқ хўжалиги ишларига ажратилган минерал ўғитлардан 415 тоннаси, ёқилғи-мойлаш материалларидан 94 тоннаси ҳамда 1,5 миллиард сўмлик техника ва эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинганлиги аниқланган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалигида ютуқлар баробарида муаммолар ҳам ҳали кўп, уларни бартараф этиш учун эса ҳар биримиз, аввало, ўз ишимизнинг фидойиси бўлишимиз, юртимиз равнақи учун астойдил меҳнат қилишимиз лозим. Зеро, бугунги ютуқларимиз эртанги фаровонлигимиз пойдеворидир.

**Бахтиёр ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи, адлия кичик маслаҳатчиси.**

МУКА 1 сорт 200,3 ▲ + 2,4 | МУКА 2 сорт 180,0 ▼ - 6,5 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 840,0 ▼ - 1,0 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 843,5 ▼ - 54,8 | ПОЛИЭТИЛЕН I15611202,0 ▲ + 225,8 | КАРБАМИД 155,1 ▲ + 5,8

**СИРДАРЁ:**

# Ўнгланиш пойдеври

(Боши 1-бетда)

Мана шундай янгича қараш натижасида бу йил ҳосил салмоғи ҳам, фойда ҳам юқори бўлди.

Сирдарёлик пахтакорлар бу йил 13 миллиард 841 миллион сўм соф фойда олиши кутилмоқда. Шартномавий режани уддалаган 5 мингдан зиёд фермернинг аксарияти эса 10, ҳатто 100 миллион сўмдан фойда кўришаётир.

Сайхунобод туманидаги "Бегали" фермер хўжалиги ана шулардан бири.

– Бу йил меҳнатни зўр қилдик. Мана, роҳатини кўряпмиз, – дейди фермер Абдуолим Бегалиев. – Режадаги 26,5 центнер ўрнига гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб, қабул пунктларига 135 тонна юқори навли пахта етказиб бердик. Даромадимиз оз эмас-кўп эмас 37 миллион 184 минг сўм. Шундан 25 миллион сўми соф фойда.



## Пешқадамлик масъулияти

Ўтган йили Гулистон туманидаги зарар кўриб ишлаётган 7 та ширкат хўжалиги тугатилиб, ер тендер асосида муносибларга берилди. Мулкчилик шакли ўзгаргач, унинг афзаллиги шу йилнинг ўзидаёқ кўзга ташланаётир. Масалан, дон мўл бўлди, шартномадан зиёд ғаллани уйига тушириб олган фермерлар ғўза парваришига жон-жаҳдлари билан киришдилар.

– Бу йил ҳукумат ёрдами туфайли ёнилғи-мойлаш, минерал ўғитлар, эҳтиёт қисмлар мунтазам етказиб берилди, – дейди туман ҳокими Маъмур Игамназаров. – Айниқса, мелиорация ишларига катта эътибор берилди, очиқ зовурлар тозаланди, шўр ювиш ишлари амалга оширилди. Пировард натижада қабул пунктларига 27 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб бериб, бу соҳадаги режа вилоятда биринчи бўлиб бажарилди.



Ховос туманининг асосий экин майдонлари шўрлангани боис кейинги йилларда ҳосилдорлик анча пасайиб кетганди.

– Бу йил ҳосил ҳам, ҳосилдорлик ҳам ортди, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ҳабибулла Насриддинов. – Чунки очиқ зовурлар, коллекторларни тозалаш, мелиорация ишларига катта эътибор берилди. Бу ишга 20 дан ошиқ экскаватор жалб этилди. Натижада қисқа фурсатда 5 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Агар ўтган йили Холмат Норчоев, Эргаш Қаҳҳоров, Охунбобоев номли, "Пахтакор" фермерлар уюшмалари ҳудудларидаги фермерларнинг шартномавий режалари ўлда-жўлда қолган бўлса, бу йил уларнинг 90 фоизи режани ортиғи билан бажарди. Айниқса, "Янгиер", "Хўжаобод", "Ҳамза" фермерлар уюшмалари пахтакорлари бу меҳнат зафарига муносиб ҳисса қўшдилар.

## "Фермерга мададкормиз"

– Бу йил Сирдарё вилояти тижорат банклари томонидан пахта ҳосили етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жами



22154,6 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Ушбу маблағнинг 5553,4 миллион сўми фермер хўжаликларига иш ҳақи сифатида берилиб, унинг 4733,3 сўми нақд пул шаклида тарқатилди, – дейди Марказий банкнинг Сирдарё бўлими бошлиғи ўринбосари Қайнар Боймуродов. – Айниқса, пахта йиғим-терим пайтида банк ходимларининг ишлари қизиди. Чунки ҳар 15-20 та фермер хўжалигига биттадан банкнинг масъул ходимни бириктириб, терилган пахтанинг пули эртасига теримчи қўлига етказиб бериш учун барча чора-тадбирлар ишга солинди. Ҳисоб-китоб қилинганда, бугунги кунгача фермер хўжаликларига 11500 миллион сўм терим пули тарқатилди.

Бундан ташқари, фермерларга 1806,7 миллион сўм тижорат кредитлари ажратилди. Берилган маблағ ҳисобига 49 ҳайдов трактори, 25 та чопиқ трактори сотиб олинди.

– "Пахта Банк"нинг Янгиер бўлими томонидан Мирзаобод туманида жойлашган "Мирсоат" фермер хўжалигига "ВТ-150" русумли занжирли ҳайдов трактори сотиб олиш учун 25 миллион сўм кредит 3 йилга қайтириш шарти билан берилди, – дейди "Пахта Банк"нинг вилоят бўлими бошлиғи Бахтиёр Усанов. – Трактор сотиб олиниши натижасида хўжаликда яна 2 та ишчи ўрни яратилди. Банк кредитлари фоизлари муддатида сўндирилиб борилмоқда. Муҳими, бу трактор нафақат фермернинг, балки қўшни мулкдорларнинг ҳам оғирини енгил қилмоқда.

Шунингдек, "Ховос" туманидаги "Отабой" фермер хўжалигига ҳам худди шундай ҳайдов трактори олиш учун кредит берилди. "Пахта Банк"нинг Сирдарё вилоят бошқармаси, туман ва шаҳар бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олиш учун фермерларга мунтазам равишда кредитлар ажратиб келаяпти. Бу мулкдорлар муваффақиятининг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.

## Мақсад – ерни даволаш

Вилоят ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ариқ-зовурлар, коллекторларни тозалаш ишлари билан қуйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг бўлимлари шуғулланади. Уларнинг бу йилги хизматлари салмоқли бўлди.

– Жорий йилнинг ўзида 300 километрга яқин магистрал, 2500 километр ички каналлар, 410 километр ички зовурлар, 318 километр масофада ёпиқ-ётиқ дренажлар тозаланиб, 21 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига замин яратилди, – дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Аваз Мустанов. – Энг асосийси, сўнгги 10-15 йилда иқтисодий ночор бўлиб қолган, ерлари ишдан чиқаёзган хўжаликларнинг экин майдонлари фермерларга берилди. Уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ҳукуматимиз томонидан 42 та экскаватор, 10 та бульдозер-



ни Хитой Республикасидан имтиёзли кредит ҳисобига олиб келиб, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг фермерларига ҳашар йўли билан ўта қониқарсиз ҳолатдаги каналлар тозаланди, сув таъминотида кескин ўзгариш ташкил этилди.

Осиё Тараққиёт банки кредити ҳамда Оқ олтин туманига суғориш ва мелиоратив тармоқларни 2006 йилда қайта тиклаш ишларига ажратилажак қўшимча маблағ ҳисобига туманда тадбирлар жадвали ишлаб чиқилди. Ишлар ана шу асосида олиб бориляпти. Бугунги кунда 10 минг гектар майдондаги суғориш ва мелиоратив тармоқлар бошдан қайта қурилди. Қурилиш ишлари 2008 йилда тугатилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Оқ олтин, Ховос ва Мирзаобод туманлари экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Марказий Мирзачўл зовурини қайта тиклаш ишлари жорий йилда 1,6 километрга бажарилиб, умумий узунлиги 40 километрга етказилди. Мирзаобод, Сирдарё, Сайхунобод туманларидаги зовурларни қайта тиклаш ишлари бажарилди. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилди.

Улкан "оқ олтин" хирмони бунёд этилди. Унда ҳар бир туман меҳнаткашларининг муносиб улуши бўлди.



Бугун сирдарёлик қайси деҳқон билан суҳбатлашманг, меҳнат зафарлари хусусида тўлқинланиб гапиради. Уларнинг айтишича, бу йил раҳбарлар алмашувидан зада бўлган деҳқонларга эркинлик берилди, ишлаш учун шароит яратилди. Энг муҳими, меҳнат қилган одамга ғамхўрлик кўрсатилди. Бундай эътибордан руҳланган сирдарёликларнинг ғайрати жўшди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг қолоқлик доғи ювилди. 248 минг тоннадан ортиқ "оқ олтин" йиғиб, вилоят миришкорлари лафзиларининг устидан чиқдилар, демакки, юзлари ёруғ бўлди. Вилоятда айни кунларда келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиш мақсадида кузги шудгор ишлари бошлаб юборилди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

---

**Чорвачиликни ривожлантириш, ҳайвонларнинг турли юқумли касалликлар билан касалланишининг олдини олиш, аҳолини сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш ҳар қачонгидек бугун ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу вазифаларни ҳал этиш кўп жиҳатдан ветеринария ходимларига боғлиқ. Хўш, бу борада Фарғона вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Яқинда мухбиримиз Фарғонада бўлиб, вилоят ҳокимлиги ветеринария бошқармаси бошлиғи Неъматжон Охунов билан ана шу мавзуда суҳбатлашди.**

# Изланиш ва самара

**–Неъматжон ака, аввало вилоятда ветеринария хизмати қай ҳолатда эканлиги тўғрисида сўзлаб берсангиз.**

–Бошқармамизда 538 нафар ишчи-хизматчилар бор. Уларнинг барчаси вилоят ветеринария ҳолатини яхшилаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлида фаолият кўрсатаяпти. Вилоятимизда 24 та ветеринария-санитария лабораториялари ишлаб турибди. Шунингдек, ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғини қошида ветеринария пунктлари ташкил қилганмиз. Ҳудудимизда гўшт ва гўшт маҳсулотлари лаборатория кўригидан ўтгач, сотувга чиқарилади, қонунбузарларга эса қаттиқ чоралар кўрилади. Керакли маблағ бюджет ҳисобидан қопланиб, 20 га яқин касалликларга қарши эмлаш ишлари режа асосида бажарилиб, давлат томонидан ажратилган эмламалар ҳисобидан бепул амалга оширилади. Фермер, уйида мол бо-



қувчи фуқаролар билан доимо алоқадамиз ва уларга шартнома асосида хизмат кўрсатамиз. Барча эмлаш ишлари режа асосида бажарилади. Вилоятимизда 2005 йил 1 январ ҳолатига кўра 511670 бош қорамол, 424225 бош қўй, 4995 бош от мавжуд бўлиб, шу кунгача 423955 бош қорамол, 294790 бош қўй-эчки, 7639 бош от-эшак куйдирги, 364,2 минг бош қора мол, 228,9 минг бош қўй оқсил (яшур) ва 285,2 минг бош қора мол қорасон касаллигига қарши эмланди. Захирада эса 414 минг 200 доза куйдирги эмламаси бор. Жорий йилнинг 9 ойида сотувга чиқарилган 24008 бош қорамол, 13754 бош қўй, 509 бош чўчқа, 2567 бош парранда танаси ва ички аъзолари тек-



ширувдан ўтказилди ва сотишга рухсат этилди.

Мажбурий сўйилган 6 бош қорамолларнинг 710 килограмм маҳсулоти истеъмолга яроқсиз деб топилиб, йўқ қилинди. Умуман олганда вилоятнинг ветеринария ҳолати яхши, деб бемалол айта оламан.

**–Вилоятда Ўзбекистон Республикаси "Ветеринария тўғрисида"ги қонуни ижроси қандай таъминланяпти? Бу борада амалга оширилаётган ишлар нималардан иборат?**

–Бошқармамиз ходимлари томонидан республика назорат идораларини мувофиқлаштириш кенгаши тасдиқлаган иш режасига асосан 3 та хўжалик юритувчи субъектларда Ўзбекистон Республикаси "Ветеринария тўғрисида"ги қонуни талабларининг бажарилиши бўйича текшириш ўтказилиб, 2 нафар мансабдор шахсга 13060 сўм миқдорида жарима солинди. Шунингдек, шаҳар, туман ветеринария бўлимлари нозирлари томонидан 862 нафар қонунбузар 2 миллион 986 минг 915 сўм жаримага тортилди. Ушбу соҳага оид вилоят ҳокимининг 3 та, шаҳар ва туман ҳокимларининг 23 та қарор ва фармойишлари, вилоят ҳокимлиги ветеринария бошқармасининг 28 та буйруғи чиқарилди.

Юқоридаги амалга оширилган ветеринария-санитария чора-тадбирлари натижасида вилоятда эпизоотик ҳолат барқарорлиги сақлаб қолинди, куйдирги, оқсил, чечак, ўлат каби касалликларнинг келиб чиқишига йўл қўйилмади.

**–Кўпинча кўчаларда дайди итларга кўзимиз тушади. Улар асосан қутириш касаллигига чалинади ва касаллик тарқатувчи манба бўлиб қолади. "Итлар муаммоси"ни ҳал этиш ҳам Сизларнинг вазифаларингиз. Бу борада нима ишлар қилинаётгани ҳақида гапириб берсангиз.**

–Қутуриш касаллигининг олдини олиш бўйича мунтазам профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган тўққиз ой давомида итлар клиник кўрикдан ўтказилиб, улардан 27950 боши рўйхатга олинди.

### ХИЗМАТ

Вилоят ҳокимлиги ветеринария бошқармасининг 2005 йил 24 мартдаги буйруғи билан апрел ойи қутуриш касаллигига қарши кураш ойлиги, деб эълон қилинди. Тўққиз ой давомида қутуришга қарши 19903 бош ит, 731 бош бошқа турдаги ҳайвонлар эмланди. Жами 4812 бош дайди, қаровсиз итлар махсус усуллар билан овланиб, йўқ қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон



Республикасида одамлар ва ҳайвонларнинг қутуриш касаллигига қарши кураш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида"ги қароридаги кўрсатмаларни бажаришда жойларда ветеринария мутахассислари томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**–Қўшни Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларида куйдирги касаллиги тез-тез қайд этилаяпти. Шу боис касалликнинг вилоят ҳудудига кириб келиш хавфи анча юқори. Бу ҳолат эса сизлардан масъулиятни, ҳушёр ва тадбиркорлик билан иш тутишни талаб этади. Шундай эмасми?**

–Айнан шунинг учун ҳам биз ҳудудимиздаги барча жониворларнинг ҳисоб-китобини олиб, уларнинг соғлиғини мунтазам назоратга олганмиз. Касалликка ташхис қўйиш учун 13 та ветеринария лабораториялари мавжуд ва уларда диагностикумлар етарли. Деҳқон ва мол бозорлари, чорвачилик фермалари, чорва маҳсулотларини корхоналарида ветеринария назорати кучайтирилди. Жумладан, мол бозорларига сотувга келтирилган 86380 бош қорамол, 40907 бош қўй-эчки ветеринария кўригидан ўтказилди. Мавжуд 6 ветеринария ҳимоя-карантин постлари ходимлари томонидан вилоят ҳудудига ноқонуний йўл билан олиб келинаётган 58 бош қорамол-қўй, 101 бош парранда, 1,9 тонна гўшт, 2,9 тонна чорвачилик хомашёси қайтариб юборилди.



**–Муштарийларимизга сибир яраси – куйдирги касаллиги ҳақида қисқача маълумот берсангиз фойдадан холи бўлмас.**

–Бажонидил. Ҳайвонлардан одамга юқадиган хасталик ҳисобланган куйдирги юқумли касалликлар орасида ўта хавфли ҳисобланади. У инфекция ўтказиш манбаларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Касаллик қорамол, қўй, эчки, от, туя ва шунингдек, одамларга юқади.

Касалликни қўзғатувчи микроб 100 йилгача касаллик чақириш қобилиятини сақлаб қолади ва қулай шароит туғилиши билан кўпаяди.

Мазкур хасталик одамларга касалланган ҳайвонларнинг гўштини истеъмол қилганда, бўлаклаш, жасадини ёриш, кўмиш, терисини қайта ишлаш жараёнида юқади.

Касаллик 3 хил, яъни, ўпка, ичак ва тери шаклида кечиб, ўзига хос клиник белгилар беради. Касалланган жонивор мускуллари титрайди, қийналади, иштаҳаси йўқолади. Тезаги қонталаш бўлади, сийдиги қизғиш рангга киради. Куйдиргининг қўзғатувчиси ҳайвонларга юқиш йўлига қараб аниқланади.

**–Айтганларингиздан кўриниб турибдики, вилоятда ветеринария хизмати яхши йўлга қўйилган.**

–Умуман олганда шундай. Аммо ҳали ишимиздан кўнглим тўлгани йўқ, ечимини кутаётган муаммолар ҳам анчагина. Биз ишлаяпмиз, ҳаракатларимиз эса зое кетмайди, деб ўйлайман.

**–Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Суҳбатдош:**
**Ўктамхон ХОЛДОРОВА**


**ХАЛҚ БАНКИНИНГ**

**Миллий валютадаги пул жўнатиш хизмат тури**

Республикамизнинг исталган ҳудудига пул ўтказмоқчимисиз?

Бунда Сизга Халқ банкининг филиалларaро **ТЕЗКОР** пул жўнатиш хизмати яқиндан ёрдам беради.

**ТЕЗКОР – ишончли ва қулай, бир зумда муаммоингизни ҳал этади.**


### ҚАШҚАДАРЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

## Ҳамкорлик меваси

***Яқинда Чироқчида иш бошлаган "Чироқчитекс" Ўзбекистон –Туркия қўшма корхонаси туман тадбиркорларининг хорижий ҳамкорлар билан бизнес соҳасидаги алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.***

Низом жамғармаси 600 минг АҚШ долларига тенг мазкур қўшма корхонага Туркиянинг "Китсан Саной" фирмаси 51 фоиз миқдорида улуш қўшган бўлса, Ўзбекистон томонидан "Улуғ" масъулияти чекланган жамияти 49 фоизли улуши билан иштирок этмоқда.

Қўшма корхонада пахта толасидан жаҳон стандартлари талабига мос тарзда ип-калава тайёрланиб, ундан тайёр маҳсулот – трикотаж мато тайёрланмоқда. Энг муҳими тайёр маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотиш мўлжалланаяпти.

## "Барантекс" иш бошлади

***Яқинда Қарши шаҳрида Туркиянинг "АТС – Актифтекс – ИВА" фирмаси томонидан молиялаштирилган "Барантекс" корхонаси иш бошлади.***

Пахта толасидан ип-калава ва трикотаж газлама ишлаб чиқаришга ихтисосланган бу хорижий корхона маҳсулотининг асосий қисми чет элга экспорт қилиниши мўлжалланмоқда.

## Диабетиклар мактаби

***Бундан етти йил бурун Қарши шаҳридаги вилоят эндокринология диспансерида республикада дастлабки диабетиклар мактаби иш бошлаган эди.***

Айни пайтда тажрибали шифокорлар, мутахассис олимлар диспансерда даволанаётган беморларга қандли диабет касаллиги ҳақида тушунча бериб, касалликлардан фориғ бўлишлари учун турли муолажалар олиб бормоқдалар. Республика эндокринология институти томонидан диабетиклар мактаби учун махсус замонавий асбоб-анжомлар, компьютер ҳамда видеотехникалар ажратилган. Машғулотлар пайтида қандли диабет билан оғриган беморларга видеотасмалар орқали касалликнинг келиб чиқиши, кечиш жараёни, даво муолажалари намойиш этилади. Хасталикдан фориғ бўлган кишилар сўзлари тингланади.

## "Нахшаб – Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида"

***Қарши давлат университетида бўлиб ўтган илмий-назарий конференция шу мавзуга бағишланди.***

Конференция ялпи мажлисида Қарши шаҳрининг ўтмиши, кўҳна шаҳарнинг турли даврлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусида фикр-мулоҳазалар юритилди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан ўтказилаётган бундай илмий-назарий анжуманлар қадимий шаҳарнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини белгилашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**




Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари диққатига!



**Корхона**

- Янги ва таъмирланган ТТЗ-80.11, ТТЗ-80.10, МТЗ-80.Х, ВТ-150, Т-4А русумли тракторларини ҳамда янги КХУ-4Б русумли культиваторни, 2ПТС-4-793А-03, -04 русумли прицепи, ЧКУ-4А русумли чизель-культиватори, ОВХ-600 русумли узел жамламаси, ПЯ-3-35 русумли плугларини ва агрегатларини сотади.
- Таъмирталаб ТТЗ-80.11, ТТЗ-80.10, Т-28х4, МТЗ-80.Х, ВТ-150, Т-4А, ДТ-75 русумли тракторларини келишилган нархларда сотиб олади.
- Ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулотлар сифати кафолатланган.

Тел: 8(371) 144-90-47, 144-05-42, 144-16-46.



ООО "Транс Трейд Комплект" (РФ, г.Москва, ул.Шарикоподшипниковская, 18-15) намерено приобрести акции простые и привилегированные именные общее количество 303035 шт. – 35 % от Уставного фонда СП ОАО "Chirchiq transformator zavodi" (Ташкентская обл. г.Чирчик, пл. Электромашиностроительная, 1).



МП "Ирисфильм-Киносервис" (код по ОКПО 14822830) Яккасарайского района г.Ташкента преобразуется в ЧП "IRISFILM", объявляется его правопреемником и сообщает об изменении почтового адреса. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул.Чиланзарская, 1ª. Тел.: 136-03-03.

**НУКУС /ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ/. Мамлакатимиз Президенти яқинда Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида шаҳарда бунёд этилган янги замонавий спорт иншооти - ёпиқ теннис кортини кўздан кечириб, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар юзасидан ўз маслаҳатларини берган эди.**

## Совғалар топширилди

Ушбу спорт мажмуида тарбияланаётган болакайларга Юртбошимизнинг совғалари - қишки-ёзги спорт кийим-кечаклари топширилди. Уларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов топширди.

Шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган тантанали маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортни оммалаштиришга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, айниқса соғлом авлодни тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар ижобий самара бераётгани ҳақида гапириб, ёш теннисчиларга омад тилади.

Тадбир қатнашчилари спортга берилаётган катта эътибор учун миннатдорлик изҳор этди.

# Қалбаки ҳужжатлар «каромати»

***Хоразм вилояти Янгибозор тумани ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги маъмурий амалиёт гуруҳи инспектори, капитан Шихназар Қурбонбоев ўзига хос касб рекордини ўрнатди. Яқинда туман судида Қурбонбоев томонидан аниқланган қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш ҳолатлари юзасидан бир қатор жиноий ишлар кўриб чиқилди. Ҳуқуқшуносларнинг таъкидлашича, Жиноят кодексида бундай қонунбузарликлар учун аниқ жавобгарлик кўзда тутилган бўлишига қарамай, бундай ҳолатлар учраб туради.***

«Машхурбек» фермер хўжалигининг 23 ёшли механизатори Ғулом Отажонов йўлда ҳужжатлари текширилганда акаси Жавлонбек Отажоновга тегишли «Т-28» тракторини нима сабабдан ишонч қоғозисиз бошқараётганини тушунтириб бера олмади. Ҳужжатлар синчковлик билан ўрганилганда Урганч тумани Давтехназорат томонидан 1998 йилда берилган ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам шубҳа уйғотди. У қўлда тўлдирилган бланкнинг нусхаси эканлиги маълум бўлди.

«Йўлдош Акназар» фермер хўжалиги ишчиси Русланбек Жуманиёзов ҳам «тракторчи-машинист» малакасини ўзлаштириб олибди. Буни гўёки Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида 2002 йилда берилган қишлоқ хўжалик техникасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ва талондан кўриш мумкин. Жуманиёзов бу «ҳужжатлар» билан «МТЗ-80» тракторини бемалол ҳайдаб юрган.

Янгибозор пахта тозалаш заводининг ёрдамчи фермер хўжалиги мудири Эгамберган Маткаримов қарийб саккиз йил қалбаки ҳайдовчилик гувоҳномаси билан ўз «Жигули»сини бошқарган. Маълум бўлишича, у ҳеч қачон ҳайдовчиликка ўқимаган, гувоҳномани эса Хўжайли туманидаги Баҳром исмли танишидан сотиб олган. Шу сабабли ҳайдовчилик гувоҳномаси ўша ердаги Давлат автомобил назорати бўлими томонидан 1997 йилда берилган деб ҳисобланган. Бироқ, капитан Ш.Қурбонбоев Э.Маткаримов шу даврда Янгибозор туманида яшаганлигини аниқлади.

### ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Тергов давомида ҳайдовчиларнинг қалбаки ҳужжатларни қанчага сотиб олганликларини аниқлаб бўлмади. Бироқ, суд содир этган қонунбузарликлари учун уларга аниқ жазо белгилади.

- Кейинги пайтда капитан Қурбонбоев ўнлаб жиноятларни очишда иштирок этди, - дейди Янгибозор тумани ички ишлар бошқармаси катта терговчиси Ҳайитбой Исмоилов. - Шу жумладан, бевосита йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ бўлмаган ишларда ҳам қатнашди. Тезкор ходим-қидирувчи тажрибасига эга Қурбонбоев ҳамкасбларига ҳамиша ёрдам бериб келади. Касб маҳорати эса уни доимо бошлаган ишини охирига етказишга ундайди.

**Т.ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Об-ҳаво

***Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 21 октябр куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-11, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.***

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамол кучайиб, секундига 17-22 метрга етади. Кечаси 5-10, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ёмғир ёғади. Шарқдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 17-22 метрга етади. Кечаси 7-12, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

### ИҚЛИМ

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 17-22 метрга етади. Кечаси 7-12, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 17-22 метрга етади. Кечаси 7-12, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 17-22 метрга етади. Кечаси 7-12, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 17-22 метрга етади. Кечаси 2-7, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.


ПРОДАЖА АВТОМОБИЛЕЙ "ГАЗ"




ГРУЗОВЫЕ, ГРУЗОПАССАЖИРСКИЕ, ПАССАЖИРСКИЕ - Цельнометаллические и бортовые с тентом. ЛЕГКОВЫЕ, СПЕЦ АВТОМОБИЛИ: ПРОМТОВАРНЫЕ, ИЗОМЕТРИЧЕСКИЕ, ХЛЕБОВОЗ, МУСОРОВОЗ, ПЕРЕВОЗКА ГАЗБОЛОНОВ, ЭВАКУАТОРЫ, СКОРАЯ ПОМОЩЬ и другие на базе ГАЗЕЛЬ, ГАЗ-3307(09)

г. Ташкент, тел/факс 168 0961. E-mail: prima74@mail.ru



Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги инфратузилмасида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари, ширкатлар ва уларга хизмат кўрсатувчи муқобил машина трактор парклари хизматчиларини давлат буюртмаси бўйича шартнома режаларини бирин-кетин бажариб келаётганликлари билан муборакбод этган ҳолда иқтисодиётнинг асосий негизларидан бўлган мазкур соҳани янада тараққий эттириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусан моддий-техника базасини бойитиш мақсадида Сизларга жойларда фаолият кўрсатаётган 183 та филиаллари ҳамда 469 та мини банклари орқали қулай шартларда лизинг хизматини таклиф этади!

"Пахта Банк" лизинг хизмати орқали Сиз



- ҳайдов тракторлари
- тракторлар ва тиркагичлар
- сеялкалар
- культиваторлар
- пуркагичлар
- плугларни



харид қилишингиз мумкин!

Лизинг хизматининг муддати 3 йилдан 6 йилгача бўлиб, чегараланмаган миқдорда амалга оширилади.

"Пахта Банк"нинг қулай ва манфаатли хизматларидан фойдаланинг ва имкониятларингизни янада кенгайтиринг!



"Пахта Банк" муваффақиятингиз калитидир!



"AVTOTRAK"®

илмий-ишлаб чиқариш маркази

Россиядаги АМО ЗИЛ ва "Турботехника" бирлашмаларининг вакили.

Автомобилларга дизел двигателларини ўрнатишга давлат патентларига эга ва тегишли буюртмалар қабул қилади.

Қуйидаги таъмирланган техника ва эҳтиёт қисмларни СОТАДИ:




КС-2561Е (ЗИЛ-130) русумли дизел ўрнатилган АВТОКРАН;

Автомобилларга мослаштирилган МТЗ дизеллари ва блок-кожухлари «центровкаланган»; ЗИЛ-130 мотори; ЗИЛ-4331 распилителлари; "ИКАРУС" плунжерлари; "Алтай", "Авиа", "Камминз", ЮМЗларнинг валлари, блоклари...

Ҳар хил турбокомпрессорлар ҳам



жиҳозланади ва сотилади.

Тўловлар-турлича: лизинг ва бошқа вариантлар

Манзил: Тошкент, Аэродромная кўчаси, 5-кўчаси (Мўлжал: ТЭА, 6-Қорасув; № № 21; 49 автобуслар) Тел.: 159-48-00, 123-65-43



Диққат!

Қишда иссиқ, ёзда салқин!

Базальт толали иссиқликдан ҳимоя воситаси.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган янги қурилиш хом ашёси.

Қўллаш соҳалари:

Баланд қаватли уйлар томини ёпишда, ташқи ва ички деворларга ишлов беришда, қаватлар ўртасидаги тўшамаларда, ҳаммом ва сауналарда, сув қувурларини ҳимоялашда ишлатиш мумкин.

- Узоқ чидамлилиги, табиий таъсирларга берилмаслиги, экологик зарарсизлиги, шовқин ўтказмаслиги билан ажралиб туради.

Базальт вата. Рулонли ўрамалар. Юмшоқ тўшама.

Тел: (998-71) 118-84-90.



Товар сертификатланган

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия ва Украина заводларида ишлаб чиқарилган енгил ва юк автомобиллари ҳамда қишлоқ хўжалик (ғалла ўриш комбайни, тракторлар Т-150, МТЗ, МХ-135, ТТЗ) шиналарини таклиф қилади

Пул ўтказиш йўли билан ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади.



Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26-уй

Тел.: 77 1210, 77 1451, 79 9468, 103 7234, 158 8575.



АЗ



# Томди томонларда

(Боши 1-бетда)

Томдининг адоқсиз кенгликлари тўрт миллион 248 минг квадрат километрни ташкил этади. Бу мамлакатимиз умумий ер майдонининг ўн фоизидир, – дейди суҳбатдошим сўзининг давомида. –Бугун яйловларимизда тўрт юз мингдан ортиқ қўй-қўзи, икки минг бошдан ортиқ туя, 2 минг бош йилқи боқилмоқда. Ўтган йилги натижаларимиз мақтаса арзигулик. Булар ҳақида отарларда бўлсангиз чўпонларнинг ўзлари сўзлаб беришади.

Гапнинг очиғи, чўлда қиш аёзи, ёзнинг жазирамасига дош бериб, рўзғор тебратиш ҳазилакам иш эмас. Ўзларига эвли иш ахтариб қўшни шаҳарларга кўчиб кетаётган ёшлар бу ерда ҳам бир иккита топилади. Аммо ўзлари унган тупроқни Ватан билган туб аҳоли отамерос чўпонлик таъғини бегона қилишни сираям исташмайди.

Даврон оға Мусабоев Томди туманидаги Керегетов ширкат хўжалигининг тажрибали туябоқарларидан бири. У ўттиз йилдан бери саҳро кезади. Олтмиш бош туяси бор. Даврон оғага туянинг хосияти ҳақида гап очгудек бўлсангиз баҳри-дили ёришиб кетади. Билган-кўрганлари ҳақида мароқ билан сўзлайди.

–Туя жунидан тикилган миллий кийимлар айниқса чакмон 60-70 йилда ҳам ўз рангини йўқотмайди. Тўзиб йиртилиш нима эканлигини билмайди, тепкилаб-тепкилаб кияверасиз. Чиндан ҳам бу таърифда асло муболаға йўқ. Бизнинг қозоқ овулларида обдон парвариш қилинган нортуя 700-800 килограммдан ошириб гўшт қилади. Туя гўшти жудаям тўйимли ҳамда ёғли ҳисобланади. Шифобахш ичимлик туя сутини истеъмол қилганмисиз? Ўзиям ошқозон ичак касалликларининг давоси.

Шаҳарликлар туяни "чўл кемаси" деса, чўпонлар бизнинг "аптекамиз" дейиши бежиз эмас. Ахир бу букри жонивор исириқдан бошқа ҳамма ўт-ўланни паққос тушираверади. Қорақалпоғистонда туянинг сути билан даволайдиган санаторий бор экан.

Адир томонидан қўнғироқдек чинқириқ овози эшитилди. Қўлимизни соябон қилиб ўша ёққа тикиламиз. Шутоб билан чопаётган нортуя устида келаётган йигитча жиловни тўғри биз томонга ўгириб келарди. У туяни чўк-чўк дея ерга чўктирдида, саломлашиб, оғага юзланди.

–Тезроқ, бўлинг. Буғоз туянгиз ётиб қолди!

–Оға кичик ўғли хабаридан воқифдек, бизга мамнун жилмайиб қўйди.

–Қадамларингиз қутлуғ келди. Ҳойнаҳой, туямиз бўталоққа кўз ёриётганга ўхшайди. Қирғиз қалпоғини бошига бостириб олган туябоқар саҳро кемаси жиловини олиб, туяга ўтирди. Адир бағрида елдек учиб бораётган туя изларидан анча муддат тикилиб турдик.

–Бийдек саҳро бағрида уюр-уюр бўлиб ўтлаб юрган туялар чиндан ҳам яйловларимизнинг кўрки,- дейди Томди туманидаги Керегету ширкат хўжалиги раҳбари Ишанбек Ўсиров. –Хўжаликда айни кунда икки юз ўн бош атрофида туя боқилмоқда. Олинаётган даромад эса йил сайин ортиб бормоқда. Бундан ташқари 35 минг 987 бош қўй-қўзи, 320 бош йилқи яйловлар кўрки. Нурлан Сарсенов, Холмирза Муродбоев, Нормурод Қолдибеков сингари бош чўпонларимиз ширкатнинг Урсидик, Тошқудуқ яйловларида сурув боқишади. Бу мавсумда 5657 дона қоракўл тери ишлаб чиқарилди.

Ширкат марказида боғча, чойхона, деҳқон ва мол бозори ишлаб турибди 35 нафар ўғил-қизлар турли олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Уларнинг барча харажатлари ширкат зиммасида. 450 та хонадонга тоза ичимлик суви етказиб берилмоқда.

## Кенгликларга ёйилган бойлик

–Қизилқум ҳайрат олами. Қум барханлари билан қопланган бийдай саҳрода нима кўп шувоқ кўп. Ҳар биттаси бир қучоқ. Қўй жонивор бундан насибасини ейди, емиш баданига жо бўлади. Шу тариқа тушгача етиб борган тилло зарралари ҳомила қўзининг терисига ўтмайди, дебсизми? ўтади, - дейди Томди туманидаги Керизбулоқ қоракўлчилик хўжалиги раҳбари Саюз Абуов. –Демак гўштигаям... Оддий балиқ билан икра берадиган балиқ баробарми? Биринчиси ҳамма сувларда топилади. Иккинчиси ноёб, айтишларича бу балиқ ўсадиган дарё давлат муҳофазасига олинар экан. Уйда боқиладиган қўй билан яйловда ўтлайдиган қўй гўшти орасидаям ўша балиқларникича фарқ бўлса ажаб эмас. Қизилқум хўжаликда қўй боқаётган 40 нафар чўпон-чўлиқларни кўп бор ҳайратга солган.

Ўрозали Шамшибеков, Казбек Ержонов сингари бош чўпонлар хўжаликнинг Курмантой, Тубикти, Маъмур фирмаларида сурув ортидан яйлов кезишади. Кўз очирмас довулларга, товуқ тухими тушса эгилиб олганча пишиб қоладиган саратон иссиғига бардош бериб, тер тўкиш осон эмас.

Бугунги кунда ширкат хўжалигида 22 минг 626 бош қўй-қўзи, 20 бош туя, 92 бош йилқи, 556 минг гектар яйлов, 78 та қудуқ, 160 та хонадон, 39 та отар 5 мактаб бор. Бу мавсумда 12 минг 286 бош қўзи ўстиришга қолдирилди. 1300 дона сифатли қоракўл тери ишлаб чиқарилди. Хомашё 8,5 миллион сўмга сотилди. Ўтган мавсумда 67 миллион 750 минг сўм соф даромад қилинган эди.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, бу ерда ҳозирда кичик цех ишлаб турибди. Корхонада чўпон-чўлиқларга жудаям асқотадиган шапка, қишлик кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

Томдидаги савдо ташкилоти чўпон-чўлиқлари кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турибди. Ширкатнинг Тубиқди фирмасида янги мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди 5 мактабга эса 9 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

–Битта молга-пичоқ, иккитасига таёқ, дейди чорвадорлар. Пичоғини қайраганнинг моли камаяди. Таёғини ўйнаганники бўлса, кўпаяди. Қўраси тўла одамнинг эса усти бут, дастурхони тўкин бўлади, -дейди Керизбулоқ қоракўлчилик хўжалиги раиси Саюз Абуов хайрлашаётганимизда.

## "Шабчар, гармчар деган гаплар бор"

Қизилқумда йўллар кўп. Бу йўллар сизни йил – ўн икки ой кимсасиз саҳрода кезадиган, қўй-қўзисини эрта баҳорнинг шоввулама ёмғирларидан асрайдиган чўпон ўтовларига олиб боради.

Бу ҳудудсиз чўлда сурув ортидан юрган чўпон-чўлиқлар унинг табиатидаги ранглар жилосига маҳлиё бўлиб умргузаронлик қилишади.

–Хўжалигимиз Навоий шаҳри марказида 400 чақирим олисдаги қум барханлари устида жойлашган. Хўжалигимиз Қозоғистон республикасининг Қизил Ўрда ҳамда Конимех, Учқудуқ туманлари билан чегарадош, -дейди Томди туманидан Бирлик ширкат хўжалиги раҳбари Жўрабек оға Юсупов. –Бугунги кунда хўжалигимизнинг 465 минг гектарлик яйловларида 42 минг 516 бош қўй-қўзи, 236 бош туя, 236 бош йилқи боқилмоқда. Бу мавсумда 6360 дона, қоракўл тери ишлаб чиқарилди. Собит Қурбонбоев, Асад Рустамов, Туйқул Танбоев, Абдухолиқ Рустамов сингари бош чўпонлар қизилқумда мактаб яратганлардан. Хўжаликдаги 72 нафар чўпон-чўлиқларнинг кўмаги билан ҳозиргача 3 минг тоннадан ортиқ ем-хашак жамғаришга эришдик.

Хўжаликда айни пайтда "Чигир" деб номланган кичик корхона ишлаб турибди. Бу ерда 15 нафар овул қизларининг хизмати билан қоракўл терилар қайта ишланиб, тайёр маҳсулот тайёрланади. Бугун кичик корхонада иш қизғин. Аҳоли ва ширкатда мавжуд бўлган эчки, от, туя, қўй терилари қайта ишланиб, шапка, телпак, кигиз, жун, шим хуллас 10 турдаги маҳсулотлар тикилиб чўпон-чўлиқларга етказиб берилмоқда. Эҳтиёждан ортиқчаси эса аҳолига сотилади.

–Ўтган йили 12 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, кўрсаткич бу йилги мавсумнинг ўтган саккиз ойида 10 миллион 500 минг сўмга кўпайди, - дейди мазкур корхона раҳбари Соғиндиқ Муҳаммаджонов. – Айни кунга қадар 7 миллион сўмлик маҳсулот ўз эгаларига етказиб берилди. Морияш Эсбергенова, Ўрозгул Хўжаҳмедова, Фарида Муҳаммаджонова, Бибигул Мерикбоева сингари чевар қизларимиз қўлида жилоланаётган қоракўл терилар харидорларга айниқса маъқул келмоқда. 2001-2002 йилларда ўтказилган "Ташаббус" танловида совриндор бўлгандик. Бу йил "Ташаббус" кўрик танловининг вилоят босқичида Президент соврини билан тақдирландик. Келажакда биз қадимдан шаклланган кумуш, олмос, кўк, қора рангли қоракўл териларидан манаман деган давлатларни лол қолдирадиган, замонавий, бежирим, харидорбоп маҳсулотлар тайёрлашни ният қилиб турибмиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони Серикбой оға Сагатов хўжалигиннинг энг илғор чўпонларидан бири. У узоқ йиллардан бери сурув ортидан яйлов кезади. Содда, самимий, камгап. Оға чўлда ўз бахтини топганлардан. Унинг кўксига Олтин юлдузни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ўзлари қадаб қўйганлар.

– Отам узоқ йиллар шу яйловларда қўй боққанлар. У кишини ёшу қари Соат оға деб эъзозлашарди. Яқинда ширкат менга битта артизан қудуқни қаздириб берди. Бу ер Соатқудуқ деб номланди. Ҳозир бола-чақам билан шу ердаги ҳовлида умргузаронлик қилаяпман, – дейди Серикбой Сагатов. –Отарда 600 нинг нари-берисида қўй-қўзи бор. Шу кўклам жами 90 фоиз қўзини ўстиришга қолдирдик.

Етти фарзандим бор. 5 ўғил, 2 қиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам чўпонликни эплайвермайди. Серикбой оғага шуни айтсам кулади. "Туври, бунга кўп уқув керак" дейди.

Баъзи бировлар "Эй-й, бир чўпон-да", деб қўйишади. Аслида сурув ортидан яйлов кезиш ҳам осон иш эмас. Кўпчилик иш бор жойда ош бор дейди-ю, ишнинг ўзини билгунча, кўзини бил, демайди. Шабчар – сурувни кузу қиш кечалари соат ярим тундан саҳаргача яйловда ҳайдаб боқиш бўлса, чармгар – саратонда туш маҳали ётқизмай ёйиб ўтлатишдир. Кўп жонивор шувоқни хуш кўради. Ўт-ўлан-ку жони дили. Қизилқумда булар мўл. Қирқ йилдан буён сурув ортидан юриб билдимки, ҳақиқатан шувоқ молни семиртиради. Қоракўли эса кўзни олади.

Моли тўқнинг кўнгли тўқ, деган гапнинг сираям ёлғони йўқ. Қишга сурувни семиртириб кирган чўпон шабчарга амал қилса, ўз вақтида ем-сувини бериб, иссиқ-совуғидан хабардор бўлса, қишдан омон, талофотсиз чиқиши аниқ.

Серикбой оғанинг ўтовидан қайтарканман, яйловларинг ўтга тўлсин, ўтовли элим, инсонларинг бахтли бўлсин, бахшили элим, деган халқона сатрлар хаёлимдан кечди.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




## Россияда "қуш гриппи" қайд этилди

***Россиянинг Тула вилоятида "қуш гриппи" билан касалланган илк бемор қайд этилди, дея хабар қилади "News.ru" ахборот сайти.***



Ҳозирча мазкур касаллик билан хасталанган беморнинг кимлиги ошкор этилмаяпти. "Рейтерс" ахборот агентлигининг маълум қилишича эса, аста-секинлик билан шарқий ва марказий Европа мамлакатларида ҳам қайд этила бошланган ушбу янги турдаги вирус туфайли пайшанба куни Таиланднинг Канчанбури провинциясида яна бир кишининг ҳаётдан кўз юмганлиги айтилмоқда. Бу мамлакатда вирус илк маротаба аниқланган кундан бошлаб вафот этган ўн учинчи бемордир. Мазкур ҳодиса ҳақида эса мамлакат Бош вазири Таксин Шинаватра ўз чиқиши орқали хабар қилган.

## ...энди "Вилма"ми?

**Кариб соҳилларида ҳордиқ чиқармоқчи бўлганларнинг орзуси ҳали-вери амалга ошмайдиган кўринади. Чунки, мазкур ҳудудларга бутун инсоният тарихидаги энг даҳшатли кўламга эга бўлган "Вилма" тўфони яқинлашиб келмоқда.**



Марказий Американинг Гаити, Гондурас, Никарагуа ҳамда Куба каби мамлакатларини "сийпалаб" ўтиши кутилаётган ушбу табиий офат натижасида ҳалок бўлганларнинг сони аллақачон ўн бир нафарга етганлиги қайд этилган. Маълум қилинишича, уларнинг бари Гаити фуқароларидир. Жорий йилдаги 21-тўфон бўлмиш "Вилма" хавфлилик даражаси юзасидан бешинчи категорияга муносиб (extremeli dangerous-ўта даражада хавфли) деб топилмоқда. Унинг шамол тезлиги соатига 280дан 300 километргача эканлиги, тўфон марказидаги босим эса 884-892 миллибар ўлчамдалиги айтилмоқда. Айни чоғларда бутун ҳудуд бўйлаб эвакуация ишлари олиб борилаётир. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу тўфондан энг кўп зарар кўрадиган ҳудуд АҚШнинг Флорида штатидир.

## Интертраффикда болалар

***Хитойнинг Шанхай провинциясида Интернет орқали болалар савдоси билан шуғулланмоқчи бўлган жиноий гуруҳ устидан тергов жараёнлари бошланди, дея хабар қилади "China Daily" газетаси.***



Октябр ойининг бошларида Eachnet.com интернет сайти орқали камбағал ва моддий жиҳатдан муҳтож одамлар, шунингдек, интертраффик билан мунтазам шуғулланувчиларга мўлжалланган, сотиб олинган ҳар бир ўғил бола учун 28 минг юань (3500 АҚШ доллари), ҳар бир қиз бола учун эса 13 минг юань (1600 АҚШ доллари) тўланиши хусусидаги эълон тарқатилган эди. Мазкур ҳолатни ўрганиб чиққан маҳаллий ҳокимият вакиллари ушбу эълон eBay – америка интернет аукциони орқали жойлаштирилганлигини таъкидлашмоқда. Бироқ, юқорида номи қайд этиб ўтилган интернет сайтлари ушбу айбловни қатъиян рад этишди.

## Алданган "Эсмеральда"

***Италиянинг Генуя шаҳар суди Германия федерал Президенти Херст Келернинг қизи, туғма кўр Ульрикенинг даъво аризасига кўра 37 ёшли гиёҳванд Жованни Гроппеллога қарши очилган жиноий ишни кўриб чиқишни бошлади.***



Ульрике Жованни билан 1999 йили итальян тилини мукаммал ўрганиш мақсадида Генуяга ташриф буюрганида танишганди. Жованни аввалига у билан дўстона муносабатда бўлган, кейинчалик эса муҳаббат изҳор этган. Бироқ Ульрике Германияда танлаган йигити борлигини айтиб, унинг севгисига рад жавоби беради. Жованни шундан кейин ҳам унга нисбатан муносабатини ўзгартирмайди. Бироқ орадан етти ой ўтгач у Ульрикенинг 5000 евро миқдорида маблағи бўлган кредит карточкаси билан ғойиб бўлади. Бозор-ўчарларда бечора "Эсмеральда"га қарашиб юрган Гроппелло карточканинг PIN-кодларидан яхши хабардор эди. Беш йил давомида қидирувда бўлган "ошиқ" ана энди фирибгарлик ва товламачилиги учун жавоб берадиган бўлди.

## Нефть яна арзонлашди

***Нью-Йорк хомашё биржасида нефть яна арзонлашгани кузатилмоқда.***



Унинг 1 баррели 63,20 АҚШ долларига баҳоланди. Душанба куни бу кўрсаткич 64,36 долларга тенг бўлган эди.

«Қора олтин» қийматининг ўзгаришига Тинч океани томондан яқинлашиб келаётган «Вильма» тўфони Мексика кўрфазига хуруж қилмаслиги тўғрисидаги хабар сабаб бўлди.

## БМТ огоҳлантирди

***Эритрея ва Эфиопия ўртасидаги уруш тугаганига беш йил вақт ўтган бўлишига қарамай, ҳамон бу икки давлат ўртасида низолар барҳам топганича йўқ.***



Бирида мусулмон, бирида насронийлар яшовчи Эритрея ва Эфиопия ҳамон 1998 йилда содир бўлган ва 70 минг кишининг ёстиғини қуритган урушда бир-бирини айбдор санайди ва қонли тўқнашувга сабаб бўлган деярли ўсимлик ўсмайдиган тақир ерни ўзиники қилиб олишга ҳаракат қилади.

Урушнинг олдини олиш мақсадида 2000 йилда Эритреяга БМТнинг тинчликпарвар кучлари киритилганди ва тинчлик битими имзоланганди. Аммо ҳозир ҳар икки давлат ҳам ушбу битимни тан олмай, бир-бирига уруш очиш даражасига келиб қолди. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарорларига амал қилмаяпти.

Эритрея ҳукумати эса тинчликпарвар кучлар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортди. Устига-устак БМТга қарашли ҳаво лайнерлари машқларини ҳам тақиқлаб қўйди. Шунинг учун ҳам "тинчликпарвар кучлар Эритреяни тарк этиши мумкин", деди БМТ Бош котиби Кофи Аннан. Сиёсатчиларнинг фикрича, тинчликпарвар кучлар Эритреяни тарк этса, яна уруш аланга олиши мумкин.

**Ф.КАЛОНОВ ва Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

## ХАБАРЛАР

### Янги корхона

***Пахтакор шаҳрида "Ҳаким ота" масъулияти чекланган жамияти саъй-ҳаракати билан истеъмол ёғи ва иккиламчи чорва озуқаси ишлаб чиқарадиган ёғ-экстракт корхонаси иш бошлади.***

Корхонага ўрнатилган технологик жиҳозлар ва линиялар асосан Германиядан келтирилган. Умумий қиймати 250 миллион сўмлик мазкур асбоб-ускуналарнинг самарадорлиги техник жиҳатдан тўла кафолатланган.

Корхона тўла қувват билан ишлаганда бир кеча-кундузда 100 тонна чигитни қайта ишлайди. Ана шу бирламчи маҳсулотдан 15 тонна ўсимлик ёғи, 50 тонна кунжара, 30 тонна шелуха ишлаб чиқарилади.

Йилига 30000 тонна чигитни қайта ишлайдиган корхонада ҳозир 60 нафар ёшлар меҳнат қилмоқда.

### Тиниб-тинчимас фахрийлар

***Москва шаҳрида XXV халқаро тинчлик марафони бўлиб ўтди. Унда хорижий мамлакатлардан 30 минг нафардан зиёд спортчилар қатнашди. Тинчлик марафонида жиззахлик спорт фахрийлари ҳам иштирок этишди.***

Спортчиларимизнинг марафондаги иштироки ҳақида вилоят терма жамоаси бош мураббийси Алишер Толипов қуйидагиларни гапириб берди.

–Ушбу мусобақада 68 ёшли фахрий спортчиларимиз Абдумурод Султонов ва Фарҳод Комиловлар қатнашдилар. Катталар гуруҳида иштирок этган спортчиларимиз Москва дарёси қирғоқлари бўйлаб 10 километрлик масофани муваффақиятли босиб ўтдилар.

Тиниб-тинчимас, ғайрат-шижоатга тўлган Абдумурод Султонов тинчлик марафонидан сўнг Новгород шаҳрига йўл олди. Фахрий спортчилар у ерда ўтказиладиган халқаро марафонда иштирок этиб, ғолиблик учун беллашадилар.

### Соғлик – бойлик

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Перинатал ёрдам самарадорлигини ошириш мақсадида туғруқ комплекслари ишини қайта ташкил этиш ва касалхона ички инфекцияларининг олдини олиш тўғрисида"ги буйруғига асосан вилоят болалар шифохонасида "Бехатар оналик" дастурини ўқитиш бўйича семинар бўлиб ўтди.***

Бутунжаҳон аҳолишунослик жамғармаси ҳамда Тошкент шаҳар перинатил маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуманда пойтахтдан келган шифокорлар, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан тажрибали врачлар маърузалар ўқишди.

Семинар иштирокчиларига "Бехатар оналик" дастурининг барча бўлимлари ҳақида назарий ҳамда амалий жиҳатдан кенг тушунчалар берилди.

### Аҳолига бепул дори-дармонлар

***"Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурида аҳолини сифатли ва арзон дори-дармонлар билан таъминлаш устувор вазифалардан бири қилиб белгиланган.***

Вилоят "Дори-дармон" давлат акциядорлик бирлашмаси жамоаси унинг ижросини рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилмоқда.

Вилоят ҳудудида ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда уларга тенглаштирилган фуқаролар, Чернобил ҳалокатини бартараф этишда қатнашганлар, байналмилалчи жангчиларга биринчи навбатда дори-дармон улашилаяпти. Шу йилнинг бошидан бери уларга 2 миллион сўмлик дори-дармонлар бепул тарқатилди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

### Қолоқлик доғи ювилди

***Бувайда тумани пахтакорлари сўнгги ўн йил ичида илк бор йиллик режани бажариб, қолоқлик доғини ювдилар. Давлат омборларига 21520 тоннадан зиёд қимматли саноат хомашёси етказиб берилди. Ҳар гектар ер ҳосилдорлиги ўртача 30 центнерданни ташкил этди.***

– Аввало мавжуд 7370 гектар пахта майдонлари структурасини ўзгартириш чораларини кўрдик, - дейди туман ҳокими Холмирза Ниёзов. – Йиллар давомида кўп миқдорда азотли ўғит ишлатилиши оқибатида фосфор миқдори камайиб кетганди. Ерларга маҳаллий ўғит, фосфорли чиқинди ва унумдор тупроқ ташлаш йўли билан ернинг "гумис" қатламини "даволаш" тадбирлари ўтказилди. Натижа кутилганидек бўлди.

Етиштирилган ҳосилнинг 75 фоизи эса фермер хўжаликлари ҳисобига тўғри келди.

**Содиржон ЖЎРАЕВ,**
**Зарифжон ШАРИПОВ.**

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ

сотади:



ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21

*Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.*



Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:

*Наманган ш.,Дўстлик шоҳкўчаси,1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.*
*Андижон ш.,Мирпустин к.,20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.*
*Данғара ш.,Тошкент к.,74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.*
*Термиз ш.,Ч.Сафаров к.,80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.*

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

## ИСЛОҲОТ

***Қишлоқ хўжалигини қудратли техника воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, деҳқон юмушларини техника зиммасига юклаш шундай воситалардан самарали фойдаланишни тақозо этади.***

### Лизингга техника-мақбул усул

Тармоқда иқтисодий ислоҳотлар кенг кўламда амалга оширилаётган, фермерлик қишлоқ хўжалигининг асосий йўналиши бўлиб қолаётган ҳозирги пайтда замонавий, серунум тракторлар, комбайнлар ва бошқа техника воситаларига бўлган талаб-эҳтиёж ортиб бораяпти. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хўжаликлар, шу жумладан фермерларнинг барчаси ҳам юқорида таъкидланган машина-механизмларни ўз маблағлари ҳисобига сотиб олиш имкониятига эга эмаслар. Ана шундай бир шароитда деҳқонларни қўллаб-қувватлаш, техника воситалари билан таъминланиш имкониятини яратиш мақсадида республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ бу соҳада лизинг хизмати йўлга қўйилди. Ана шу янгилик туфайли хўжаликлар ва фермерлар техника қийматининг атиги 15 фоизини аванс сифатида тўлаб, қолган қисмини 7 йил давомида лизинг шартларига мувофиқ узиб борадилар. Маблағнинг 85 фоизи Молия вазирлиги қошидаги жамғарма томонидан ажратиладиган кредитлар ҳисобига қопланади. Бундай енгилликлар қишлоқ хўжалик ходимларини рағбатлантириб, меҳнат муваффақиятларига руҳлантирмоқда. Техника воситаларини лизингга бериш бошлангандан бери ширкат ва фермер хўжаликларига 15 мингга яқин тракторлар, комбайнлар, пуркагичлар, тиркамалар, культиваторлар, сеялкалар етказиб берилди. "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган ушбу машина-механизмлар "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиаллари томонидан расмийлаштирилиб, таъминот изчиллик билан амалга оширилмоқда. Акциядорлик - тижорат "Пахта Банк" эса бу жараёнда йирик молиявий муассаса сифатида фаол иштирок этаяпти. 2005 йили республикамиз деҳқонлари пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда салмоқли натижаларга эришаётганликларида лизинг хизматидан кенг фойдаланилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Фахриддин ЯЛҒАШЕВ**

АК "Ўзулгуржисавдо"

Реализует со склада в г.Ташкенте следующую продукцию:

*Трубы ВГП, ГОСТ 3262-75
20Х2,8 мм, 40Х3,5 мм, 50Х3,5 мм.
*ТРУБЫ Э/СВАРНЫЕ, ГОСТ 10705-80
57Х3,5 мм, 76Х3,5 мм, 89Х4 мм, 102Х4-5 мм, 108Х4 мм, 114Х4 мм, 159Х6,8 мм, 168Х8 мм, 219Х8,9; 10 мм, 325Х8 мм, 377Х8 мм; 426Х6-18 мм.
*Листы стальные Г/К 11,12 мм
*Электроды сварочные МР-3 Ø 4 мм
*Оборудование для парикмахерских
*Алюминиевые подвесные потолки
*Подвесные потолки картонного типа "Армстронг"
*Перфораторы разных марок, электродрели
*Электропилы дисковые для резки металла
*Пилы дисковые для резки металла ø 35,40 мм
*Ручные электрофрезы, электропилы (для резки кафеля и алюминия)
*Эсксопилы
*Слесарно-монтажные инструменты (фрезы, сверла, метчики, ключи гаечные, плашки, алмазные бруски)
Припой ПОС-30, ПОС-40 Электроды нержавеющие – НЖ-13, ЦЛ-11 ø 4 мм
*Мини-генераторы бензиновые
*Наборы инструментов
*Плитку облицовочную керамическую
*Плитку облицовочную половую
*Кубики керамические неглазурованные для мозаичных работ
*Электрооборудование (насосы, водяные помпы)
*Аэрогенераторы и солнечные генераторы
*Мельницы для размола муки
*Оборудование для очистки риса
*Пиломатериалы, деловая древисина

**Так же имеем возможность поставить по заказу Магистральные трубы в течении 15-17 дней ГОСТ 20295-85; ГОСТ Р52079-2003 и др. ТУ 14-3Р-01-93, следующих диаметров:**
**530 x 7-24 мм; 610 x 7,9-24 мм; 630 x 7-24 мм**
**720 x 7,3-30 мм; 762 x 7,9-30 мм - 30 мм**
**1020 x 8,8-32 мм; 1067 x 9-32 мм**

*При больших объемах поставок труб могут быть снижены цены*

**Имеет возможность поставить по заказам потребителей:**

*Мини-шиферный завод *Мини-оборудование для производства полиэтиленовых труб *Мини-завод по выпуску хлопкового масло *Солнечные электростанции *Мини-мукомольный завод Мини-завод по переработке хлопковых семян *Трубы и металлопродукцию всех размеров Товар сертифицирован

г.Ташкент, ул.Навои, 7. Тел.: 139-27-15, 139-27-16, 144-59-53.
E-mail: uz_savdo@mail.ru

